УШБУ СОНДА:
ХАТОЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ 2
«10 ФОИЗ» ОПЕРАЦИЯСИ 3
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
МОТОЦИКЛЛАР МАМЛАКАТИ 4

**MEZON:**

**Тижорат мақсадларида чоп этилган, ижроси ижрочи иштирокида ёзиб олинган фонограммани прокатга бериш ҳуқуқи ижрони фонограммага ёзиб олиш тўғрисида шартнома тузилганда фонограммани тайёрловчига ўтади. Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма нусхаларини прокатга беришда ижроси фонограммага ёзиб олинган ижрочи бундай фонограмма нусхалари прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.**

**Тижорат масқадларида чоп этилган аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда ижроси аудиовизуал асарга киритилган ижрочи бундай аудиовизуал асар нусхаларининг прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.**

**Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда ҳақни йиғиш ва тақсимлаш ижрочиларнинг мулкий ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин. Ҳақ миқдори бундай ташкилот билан прокатга берувчи ташкилот ўртасидаги келишувда белгиланади.**

**«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 49-МОДДА**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 35 (490)
2006 йил 5 сентябрь
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗ БАЙРАМИ

**Айни кунларда халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами — Ўзбекистон мустақиллигининг қутлуғ ўн беш йиллигини тантана қилаётир. Бу муборак сана барчамизга кўтаринки кайфият, фахр ва ифтихор туйғуларини инъом этди. Зеро, аждодларимизнинг асрий орзулари ушалган кунни серқуёш диёримизнинг шаҳар ва қишлоқларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан нишонлаш хайрли анъанага айланган. Мана, ўн беш йилдирки, юртимиз осмони мусаффо, Ватанимизда тинчлик, осойишталик барқарор, мамлакатимиз тараққиёти жадал суръатлар билан давом этаётир. Халқимиз турмуши кун сайин фаровонлашиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини бермоқда.**



Булар барчаси Истиқлолимиз шарофати, Ўзбекистон мустақиллигининг оламшумул самаралари туфайлидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида таъкидлаганларидек, **«Мамлакатимиз асрларга тенг келадиган улуғ ишларни амалга оширди ва бундан 15 йил олдин танлаган, ўзбек модели деб ном олган йўлимиз тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда».**

Истиқлол йиллари Ўзбекистонимиз учун асрларга татигулик йиллар бўлди, десак, янглишмаган бўламиз. Қутлуғ санани, улуғ байрамни нишонлар эканмиз, беихтиёр ортга назар ташлагинг келади киши.

Мустақиллик йиллари, аввало, ўз ўтмишимизни, қадриятларимизни холисона билиб олиш, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимизни эгаллаш, демократик давлат қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш даври бўлди. Бугун ортга назар ташлар эканмиз, халқимиз буюк ишларни амалга оширишга қодир эканлигини англаб, қалбларимиз ғурурга тўлади.

1992 йил 8 декабрда **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** қабул қилиниши давлатимизни давлат, миллатимизни миллат сифатида дунёга танитди. Конституция халқимиз иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида акс эттириб, унинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули сифатида намоён бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Республикамиз мустақил бўлганидан кейин ўтказилган биринчи ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг барча сессиялари мамлакатимиз тарихида муҳим воқеа бўлди. Бу сессияларда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов амалий кўрсатмалар билан бирга муҳим назарий қоидаларни ҳам таърифлаб ўтдиларки, улар давлат ва ҳуқуқ назарияси, яъни юриспруденциянинг ривожланишида муҳим дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

*(Давоми учинчи бетда)*

**Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштиришни тадрижий тарзда давом эттириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни янада мукаммаллаштириш мақсадида 2005 йилда ва жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркинлаштириш борасида қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ўз навбатида ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилигимизни такомиллаштиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.**

*Qonun ijodkorligi*

## ҲАКАМЛИК СУДИ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиб шундай таъкидлаган эди: **«Биз барчамиз, биринчи навбатда, қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўлиқ халос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак».**

Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 2005 йил 14 июндаги Фармонининг 3-бандида **«Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилиши белгиланиб, «Ҳакамлик суди тўғрисида»**ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш вазифаси тегишли мутасадди ва нодавлат ташкилотлар зиммасига юклатилган эди.

Эътироф этиш ўринлики, мамлакатимизда **«Ҳакамлик судлари тўғрисида»**ги янги қонуннинг қабул қилиниши бундай нодавлат тузилмани ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш учун кенг кўламли ҳуқуқий имкониятлар яратади.

Аниқроқ айтганда, Фуқаролик кодексининг 9-моддасига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ўз хоҳиш-истакларига мувофиқ тасарруф қила оладилар. Кодекснинг ана шу меъёрига асосланиб, низо субъектлари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат ёки ҳакамлик судига мурожаат қилишни ўзлари ҳал этишга ҳақлидир.

Агар томонлар низони кўриб чиқишни ҳакамлик судига топшириш тўғрисидаги шартномани имзоласа, бундай ҳолатда давлат суди Фуқаролик процессуал кодексининг 100 ва 152-моддаларига мувофиқ, ишни кўриб чиқишни тугатади ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этади. Хўжалик процессуал кодексининг 86,88,117-моддаларида ҳам шундай меъёрлар мавжуд. ХПКнинг 25-моддасида эса хўжалик судига тегишли низо суд қарор қабул қилгунга қадар тарафларнинг келишуви бўйича кўриб чиқиш учун Ҳакамлик судига берилиши мумкинлиги назарда тутилган. Суд қарорлари ва бошқа идораларнинг қарорларини мажбурий ижро этиш чоғида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги қонуннинг 5-моддасига асосан эса ҳакамлик судларининг қарорлари, шунингдек, хорижий судлар ва арбитражларнинг қарорлари ижро этилиши лозим. Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, Ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари ижро ҳужжатлари қаторига киритилган.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимиз қонунларида халқаро ҳужжатлар тан олинганлиги боис халқаро хусусий ҳуқуқдан тарафлар низони кўришни ҳакамлик судига топшириш тўғрисида битим тузиши мумкин, бу низога давлат суди аралашмаслиги лозим, деган муҳим қоиданинг Ўзбекистон қонунларида ўз аксини топганлигини, яъни мазкур қонуннинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос эканлигини англатади.

Қуйи палата мазкур қонунни 2006 йил 8 февралда қабул қилиб, Сенатга тақдим этган.

Сенатнинг еттинчи ялпи мажлисида **«Ҳакамлик суди»** тўғрисидаги қонун сенаторлар томонидан муҳокама қилиниб, уни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қуйида ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти, айрим жиҳатлари хусусида фикр юритишни лозим топдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, қонуннинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг «Умумий қоидалар» деб номланган 1-боби саккиз моддани ўз ичига олган бўлиб, «Асосий тушунчалар» деган 3-моддасида ваколатли суд, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари, низоми ва регламенти, шунингдек, ҳакамлик битими, битим тарафлари, ҳакамлик муҳокамаси, муҳокама тарафлари, муҳокама қоидалари, ҳакамлик суди ва ҳакамлик судьяси каби юридик атамалар тушунчалари баён этилган. Қонуннинг тўртинчи моддасига мувофиқ, ҳакамлик судлари фаолияти қонунийлик, мустақиллик, муҳокама маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принциплари асосида амалга оширилади.

Ҳакамлик судлари давлат суд тизимига кирмайди, аммо фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиққан низоларни мустақил ҳал этади. Бир сўз билан айтганда, ҳакамлик суди низоларни кўриб чиқиш борасида давлат судларига муқобил суд шакли ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, «Ҳакамлик судларини ташкил этиш» деган 5-модда «давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги»ни назарда тутади.

Қонунга мувофиқ ҳакамлик судлари юридик шахс ҳисобланмайди. Улар доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари каби турларга бўлинади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг асосий вазифаси — муайян тарафлар ўртасида келиб чиққан низоларни ҳал этиш учун доимий фаолият кўрсатишдан иборат бўлиб, бундай суд юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин ва уни ташкил этган ташкилот ҳузурида фаолият кўрсатади. Қонунда қайд этилишича, юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган ҳамда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини, шунингдек, ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаган тақдирдагина доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилган, деб ҳисобланади. Бундай ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганига доир ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ҳудуддаги адлия идораларига юборади.

*(Давоми учинчи бетда)*

*Bugunning gapi*

## ИМКОНИЯТ ВА ҚУЛАЙЛИК

— уни бизга истиқлолнинг эркинлик сиёсати яратиб берди,— дейди Фурқат туманидаги «Шабада — Н» фермер хўжалиги раҳбари Нурали Ғаниев

**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигини Фурқат тумани меҳнаткашлари кўтаринки кайфиятда кутиб олишди. Туман меҳнаткашлари бу йил Фарғона вилоятида биринчи бўлиб бошоқли дон етиштириш шартномавий режасини уддалашди. Ялпи хирмон — 31.553 тоннанинг қарийб 23.900 тоннаси (75,4 фоизи) туманда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.**

— **Дастлаб шахсий маблағимга қорамол олиб парвариш ладим,** — дейди тумандаги «Шабада-Н» фермер хўжалиги раҳбари Нурали Ғаниев. — **Ширкат хўжалигидан 15 гектар ер олиб, маккажўхори экдим. Бир йил ичида сигирларим 21 бошга, бузоқлар 16 тага, буқалар эса 12 тага кўпайди. Шундан сўнг чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш ниятида туман ҳокимлигига мурожаат қилдим.**

Дарҳақиқат, туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилган «Шабада-Н» фермер хўжалиги олти йилдирки, самарали фаолият юритиб келаётир. Дастлаб хўжаликка 67,5 гектар ер ажратиб берилган ва фермер банкдан 3.000.000 сўм кредит олган эди. Бу маблағга у минерал ўғит, «МТЗ – 80» русумли трактор, қолган қисмига эса бир неча бош қорамол харид қилди. Сўнгра чорва озуқаси етиштириш учун ажратилган 15 гектар ернинг 9 гектарига беда, 6 гектарига маккажўхори экди. Фермер барча оила аъзоларини далага жалб қилди. Улар меҳрларини ерга бериб, меҳнат қилишди. Барча юмушлар биргаликда, бамаслаҳат амалга оширилди. Ҳатто оиланинг ёши улуғлари ҳам қараб туришгани йўқ. Натижада илк ҳосил кўзланганидан ҳам зиёда бўлди. Буғдойдан 48 центнер ўрнига 53, пахтадан 30 центнер ўрнига 31,5 центнердан хосил олинди. Қорамоллар учун 405 тонна емхашак жамғарилди. Фермер буғдойдан 6.148.000 сўм, пахтадан эса 10.032.750 сўм фойда олди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

*Tahlil va saboq*

## ҚОНУН ЧЕГАРАСИ

Амалдаги **«Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»**ги янги Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарори билан тасдиқланган. Низомда лицензияловчи идора, лицензия олувчи томонидан амалга ошириладиган ишлар аниқ ва тушунарли тарзда белгилаб қўйилган. Масалан, Низомнинг 6-бандига биноан лицензия олувчи идора томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилгани учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида йиғим ва 7-бандига асосан лицензия берилгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Афсуски, Пахтакор тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси З.Ҳайдаровнинг ана шу Низомдан хабари йўқ экан. Бундай хулосага келаётганимизга асос бор. Гап шундаки, «Темур А» хусусий фирмаси раҳбари А.Жумаевнинг 2006 йил 3 январда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия беришни сўраб ёзган аризасига асосан унинг талаби қондирилган. Аммо тадбиркордан Низомнинг юқорида қайд этилган бандларида кўрсатиб ўтилган йиғим ҳамда давлат божи олинмаган. Аксинча, А.Жумаевдан улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун 225 минг 600 сўм миқдорида тўлов ундирилган.

З.Ҳайдаровни Низомнинг ўқимаганини мана бу далиллар ҳам яққол тасдиқлайди. Масалан, «ХДМ Сервис» масъулияти чекланган жамиятга лицензия бериш чоғида жамиятга қарашли бир йўла иккита «Нексия» русумли транспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномалари олинган. Шунингдек, Низомнинг YIII бўлими талабига кўра, лицензияловчи идора белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритиши керак. Лекин ушбу реестр З.Ҳайдаров томонидан умуман юритилмаган.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси киритган тақдимномадан сўнг туман ҳокимининг қарори билан Низом талаблари бузилишига йўл қўйгани учун З.Ҳайдаровга «ҳайфсан» интизомий жазоси берилди. «Темур А» хусусий фирмасидан улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун нотўғри ундирилган 225 минг 60 сўм миқдоридаги тўлов эса ўз эгасига қайтарилди.

Тадбиркорлардан ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш Ғаллаорол туманида ҳам учрайди. Масалан, «Сангзор парранда» хусусий корхонасига лицензия беришда корхона Низомини ҳам сўраб олишган. «Бекбой Ҳошим» хусусий корхонасидан эса корхона Низоми ва таъсис шартномаси нусхасини ҳам талаб қилишган.

Хулоса чиқаришни бироз ортга суриб, қуйидаги нохолислик баёнидан воқиф бўлгач, бир тўхтамга келамиз.

Хатирчи туманидаги Аноқли қишлоғида яшовчи Хумор Усмонова Қ.Раҳматов номидаги ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси раиси номига 76-лойиҳадаги 3 гектар ер майдонида фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида танловда қатнашиш учун ариза берганди. Мазкур лойиҳа бўйича танловда қатнашиш учун яна бир талабгор — Мансур Рўзиевнинг аризаси ҳам қабул қилинган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

*Шу сонга мактуб*

## ФАРЗАНД КЎЗИДАГИ ҚУВОНЧ

**Ҳар бир киши, у ёшми ёки кекса, ҳамиша яхши сўзга, эътиборга муҳтож. Биргина яхши сўз ёки кутилмаган пайтда берилган кичик совға ҳам киши кўнглини тоғдек кўтариб юбориши мумкин. Айниқса, эндигина катта ҳаёт остонасига илк қадамларини қўяётган гўдакка айтилган бир оғиз илиқ сўз ва ёки мўъжаз совға бир умрга унинг хотирасига муҳрланиб қолади.**

Билимлар куни бизнинг оиламизда ҳам қўшалоқ байрам бўлди. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Юртимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйи арафасида ўғлимиз Нозимбек Учтепа туманидаги 4-умум ўрта таълим мактабининг биринчи синфига борди. Унинг мактабга бориши ҳамда истиқлол айёми биз учун бир олам шодлик бахш этган бўлса, мактаб бўсағасига илк қадам қўяётган ёш авлод вакилларига ажратилган Президент совғасини қучоқлаб олган ўғлимизнинг кўзидаги қувончни кўриб, бошимиз кўкка етди. Бежирим мактаб сумкаси, қаламдон, чиройли дафтар ва суратли китоблар фарзандимиз қалбида илиқ таассуротлар билан бирга бир умр муҳрланиб қолишига шубҳа йўқ.

Тўғри, бу совғалар балки кимгадир оддий кўринар, лекин унинг замирида истиқлолимизнинг таянчи бўлмиш келажак авлодга нисбатан улкан эътибори, меҳрнинг ёрқин ифодаси мужассам. Қолаверса, гўдакнинг кўнгли гулдек тоза бўлади. Ўз ўғлим мисолида айтишим мумкин. У мактабдан олган совғасини уйқуга кетгунча ҳам қўлидан қўймади. Қўни-қўшниларга ҳам **“Бу совғани менга Президент бобом бердилар!”,** — деб ғурурланиб юрди. Демак, мана шу совға туфайли унинг кўнглида Юртбошимизга ва она юртимизга нисбатан улкан муҳаббат пайдо бўлди. Яъни, етти ёшидан кўнглида Ватанга, туғилган юрт тупроғига меҳр уйғонган фарзанд эртага улғайганда юрт корига ярайдиган инсон бўлади.

Шу ўринда ўзимнинг ҳам илк бор мактабга қадам қўйган дамларим ёдимга тушди. Биз таълим олган кезлари бундай мурувватни хаёлимизга ҳам келтира олмасдик. Оддий, қишда совуқ бўлиб, баҳорда томидан чакка ўтадиган синфхоналарда ўқир эдик. Биров келиб сенинг китоб-дафтаринг борми, йўқми, деб сўрамасди. Агар ота-онанг имконини қилиб китоб-дафтар сотиб олиб берса, ўқиб саводингни чиқарардинг. Акс ҳолда мактабга «давомат» учун келиб кетиб, аттестат олардинг...

Бугун-чи?

Бугун мактабда таҳсил олаётган болаларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Улар ҳар томонлама замон талабларига жавоб берадиган техника воситалари, компьютерлар билан жиҳозланган кенг, ёруғ, шинам синфхоналарда таълим олишаяпти. Ҳатто боғча боласи ҳам бемалол компьютердан фойдаланиши, чет тилларида бийрон сўзлаши бугун ҳеч кимни ҳайратга солмайди. Чунки уларга яратилаётган имкониятлар шундай даражага етишувида қўл келмоқда. Бугунги кунда ёшларга берилаётган эътиборни кўриб қалбимиз ғурур-ифтихорга тўлади. Кеча илк марта мактаб бўсағасидан ҳатлаган фарзандим келажакда ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб вояга етишига ишонаман. Зеро, Юртбошимизнинг уларга кўрсатаётган ғамхўрлиги замирида ҳам ана шу ишонч барқарордир.

**Ақида ҚОСИМОВА,**
**Учтепа тумани**

Qonun ijodkorligi

# ҲАКАМЛИК СУДИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Мувaққат ҳакамлик судлари эса бирон-бир юридик ташкилотлар томонидан эмас, балки ҳакамлик битими тарафлари, яъни жисмоний ёки юридик шахслар ўртасида келиб чиққан муайян низони ҳал этиш учун тарафларнинг ташаббуси билан ташкил этилади, низо кўриб чиқилганидан кейин ўз фаолиятини тугатади (7-модда). Муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганида ҳакамлик битими нусхаси ва муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги ёзма билдириш ҳакамлик судида раислик қилувчи ёки ҳакамлик судьяси томонидан адлия идораларига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунга қадар юборилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олиш масъулияти қонуннинг 8-моддасига асосан, адлия идоралари зиммасига юклатилмоқда. Бундан ташқари, қонунда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш, муваққат ҳакамлик судларини ташкил этиш тўғрисидаги, шунингдек, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари ҳақидаги ахборот Адлия вазирлиги томонидан тизимлаштирилиши ҳамда **«Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами»**-да эълон қилиб берилиши назарда тутилган.

Мазкур қонуннинг «Ҳакамлик суди томонидан ҳал этиладиган низолар. Ҳакамлик битими» деб номланган 2-боби бешта моддадан иборат. Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур қонуннинг 9-моддаси, иккинчи қисмида ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмаслиги белгиланган. Ҳакамлик судлари низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида, шартнома шартлари ва иш муомаласи одатларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади, борди-ю тарафларнинг муносабатлари қонун ҳужжатлари ёки ҳакамлик битимида тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса, ҳакамлик суди қонун ўхшашлиги (қонун аналогияси) ва ҳуқуқ ўхшашлиги (ҳуқуқ аналогияси)ни қўллайди.

Низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширишнинг энг муҳим шарти тарафлар ўртасида махсус битим, яъни ҳакамлик битими тузилган бўлиши керак (11-модда). Шу билан бирга тарафлар томонидан ҳакамлик битими ваколатли суднинг ҳал қилувига бўлган низо юзасидан мазкур суд ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар ҳам тузилиши мумкин.

Қонуннинг 12-моддасида ҳакамлик битими доимо ёзма шаклда тузилиши қайд этилган. Қонун ҳакамлик битимини шартноманинг таркибий қисми бўлган эслатма ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштиришга йўл қўяди.

Ҳакамлик битимининг мазмуни 13-моддада белгиланган бўлиб, унга кўра, тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши зарурлиги ҳақидаги қоида, низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топширилган тақдирда эса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши ҳамда шу битимда ҳакамлик судьяларининг сони, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил, ҳакамлик муҳокамасининг қўллайдиган қоидалари, низони кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Шу модданинг учинчи қисмида ҳакамлик битимининг шакли ва мазмуни юзасидан белгиланган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас, деб топилиши назарда тутилади.

«Ҳакамлик судьялари, ҳакамлик судининг таркиби» билан боғлиқ меъёрлар қонуннинг 3-боби, олтита моддасида ўз ифодасини топган. 15-моддага биноан йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низони холис ҳал қилишга қодир, унинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган, ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Бундан ташқари, низони якка тартибда ҳал қилганда ҳакамлик судьяси, шунга ўхшаш унинг ҳайъатда ҳал қилганда ҳакамлик суди таркибининг раиси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Ҳакамлик судьясининг малакасига қўйиладиган талаблар ҳакамлик битими тарафлари ўртасида бевосита келишиб олинади ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди қоидалари билан белгиланади.

Қонунга мувофиқ, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлган шахс;

— судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

— ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати тугатилган шахс;

— қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин эмас.

Қонуннинг 16-моддасида ҳакамлик суди таркибини шакллантириш тартиби 16-моддада баён қилинган. Ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик суди таркибини ва судьялари сонини мустақил белгилайдилар. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари мазкур ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган судьялар орасидан сайланади (тайинланади). Агар тарафлар ҳакамлик судьясини сайлай олмаса ёки ҳакамлик судьялари раислик қилувчини сайламаса, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг раиси ҳакамлик битими тарафларидан исталган бирининг илтимосига биноан судья ёки раисни тайинлайди. Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланади. Борди-ю тарафлар судьяларни сайлай олмаса ёки ҳакамлик судьялари раислик қилувчини сайлаб, низо ваколатли судга ҳал қилиш учун топширилади. Бундай ҳолларда ҳакамлик битимининг амал қилиши тугатилади.

Ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиби, унинг ваколатларини тугатиш, ҳакамлик судьясини алмаштириш билан боғлиқ меъёрлар қонунда алоҳида-алоҳида меъёрларда, яъни 17-20-моддаларда белгиланган.

Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар қонуннинг тўртинчи бобидаги тўртта моддада ўз ифодасини топган. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар жумласига;

— ҳакамлик судьяларининг гонорари;

— ҳакамлик муҳокамасини ташкилий, моддий жиҳатдан таъминлаш харажатлари;

— ҳакамлик судьяларининг харажатлари;

— экспертлар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

— гувоҳларнинг харажатлари;

— ҳакамлик суди тарафи вакилининг хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар киритилган.

«Ҳакамлик муҳокамаси» билан боғлиқ 5-боб ўн тўртта моддани ўз ичига олган. Мазкур бобдаги ҳакамлик судининг ваколати, ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини белгилаш, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой, муҳокама тили, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, даъво аризаси, қарши даъво, даъвони таъминлаш чораларини кўриш, далилларни тақдим этиш, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик суди мажлисида иштирок этиши, ҳакамлик суди мажлисининг баённомаси билан боғлиқ меъёрлар ҳакамлик муҳокамасини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда муҳим бир жиҳатни таъкидлаш жоизки, қонуннинг 44-моддасига биноан ҳакамлик суди низони кўриб чиқиш учун ваколатга эга бўлмаган, даъвогар ўзининг даъво талабидан воз кечган, ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида келишувга эришилган, келишув битими тузилган, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлган юридик шахс тугатилган ёки жисмоний шахс вафот этган (бедарак йўқолган) деб топилган, шунингдек, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасидаги низо юзасидан ваколатли суднинг ёки ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган ҳолатларда ҳакамлик муҳокамаси тугатилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш масалалари қонуннинг уч моддадан иборат 7-бобида баён қилинган бўлиб, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан ҳакамлик муҳокамаси тарафи ваколатли судга ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин (46-модда). Бундай аризанинг берилганлиги низо бўйича иш юритишга ваколатли суд томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари қонуннинг 47-моддасида қайд этиб ўтилган бўлиб, унга кўра, агар ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб топилса;

— ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг ваколатига кирмайдиган низо юзасидан чиқарилган бўлса;

— ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш тартиби бузилган бўлса;

— ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик судининг мажлиси бўладиган вақт ва жой ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинади. Ҳакамлик судининг ҳал қилувчи қарори бекор қилинган тақдирда, тарафлар яна ҳакамлик судига янгидан мурожаат этишга ҳақли.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш 49-моддада баён қилинган. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий ижро этилмаган тақдирда, у 50-моддага биноан **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ ваколатли суд берган ижро варақаси асосида мажбурий ижро этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, низоларни ҳал қилишда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида давлат кучини ишга солмай, келиштириш тартиб-таомилидан фойдаланиш имконияти вужудга келди. Бу тамойиллар ёрдамида низолар анча тез ҳал қилинади ва камроқ молиявий чиқим талаб қилади. Бу афзалликлар айниқса, кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун жуда муҳимдир. Ҳакамлик судлари низоларни ҳал қилишнинг самарали усули бўлиб, моҳият-эътибори билан давлат суд тизим фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори,**
**сенатор**

Istiqlol va imkoniyat

# БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗ БАЙРАМИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимиз янги тарихида ғоят муҳим ўрин эгаллади.

2005 йил 28 январда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда давлатимиз раҳбари асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, қатъият билан бориш эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади. Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборатдир. Шу мақсад йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни амалга ошириш учун аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш долзарб вазифалардан бири саналади.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзи катта ҳуқуққа эга бўлиш тушунчаси билан ҳамоҳангдир.

Давлатимиз раҳбари 1997 йил 20 майда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонун ҳужжатлари моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашди. Дарҳақиқат, ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Хуллас, ана шу учрашувдан сўнг орадан бир ой ўтгач, Президентимизнинг **«Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»**ги Фармони эълон қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этиш тўғрисида»**ги қарори чиқди. Кўп ўтмай биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»** қабул қилинди. Бу Фармон, қарор ва дастурнинг асосий мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли, мунтазам тизимини яратишдан иборатдир. Айни соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самараларини бермоқда.

Шу кунларда юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезмоқда, мамлакатимиз улкан шодиёна шавқи билан яшамоқда. Барча шаҳар ва қишлоқларда, меҳнат жамоалари, ўқув юртларида байрам кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Кўчалар, хиёбонлар кўзни қувонтиради. Бу сурур, бу тантаналар Ўзбекистонда тинчлик ва тотувлик барқарорлигидан, юртимиз тўкинлигидан нишонадир. Мана шундай ҳаётни қадрлай билиш, Истиқлол неъматларини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

**Зайнитдин ИСЛОМОВ,**
**профессор**

Xabar

# АНЖУМАН

**Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 15 йиллиги ҳамда 2 сентябрь — Билимлар куни муносабати билан Тошкент Давлат юридик институтида ташкил этилган байрам тантанасида институтнинг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, талабалар, уларнинг ота-оналари ҳамда меҳмонлар иштирок этди. Тадбир аввалида Ватанимиз мадҳияси янгради. Анжуманни институт ректори Мирзаюсуф Рустамбоев очиб, йиғилганларни байрам билан қутлади.**



Биринчи курсга қабул қилинган талабалар ўзларининг ҳаяжонли дил изҳорларида бугун эришган ютуқлари, яъни талабалик сафига қабул қилинганлари улар учун катта мукофот бўлиши билан бирга, келажакда зиммаларига улкан масъулият юклашини ҳам алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда биринчи курс талабаларининг қасамёди тингланди.

«Мен қасамёд қиламан!» Институтдаги ҳар бир талаба илк кунни албатта ана шундай сўзлар билан бошлайди.

Бу жумлада талаба Ватаннинг муносиб фарзанди бўлишга, инсоний қадриятларни ҳурмат қилишга, инсонпарварлик ва ватанпарварлик тамойилларига оғишмай амал қилишга сўз беради. Улуғ бобомиз Амир Темур асос солган буюк давлатнинг бой анъаналарини, ҳуқуқий маданиятини чуқур ўрганишга, халқимизнинг урф-одатлари, маънавиятини кўз қорачиғидай асрашга ваъда беради.

Ватанимиз Конституциясига асосланган қонунларни ҳурмат қилишга, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантириш йўлида фаол иштирок этишга бўлган аҳдини намойиш қилади.

Шунингдек, талаба аҳдида ўқишга, таълим-тарбия жараёнларига фаол қатнашишга, мазкур институтда амалда бўлган тартиб-интизомга риоя қилишга бўлган қатъий аҳдини ифодалайди.

Бундай ҳаяжонли дақиқаларда талабаларнинг кўзларига назар ташласангиз, уларнинг чиндан-да чақнаб турганининг гувоҳи бўласиз. Бу кўзлар самимий ва беғубор бўлиб, нуфузли институтга илк бор қадам қўйган йигит-қизларнинг келгусида чин маънодаги ҳуқуқшунос бўлишга қилган қатъий аҳдларидан далолат бериб туради. Билимлар кунида уларга билдирилаётган ишонч ва тилакларни тинглар экансиз, ўзгача ҳавас ҳисси руҳингизни кўтаради.

Тадбир сўнггида биринчи курс талабалари анъанага кўра устозлар ва ота-оналар билан бирга Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳайкали пойига гул қўйиб, ўз эҳтиромларини ифода этди.

**(Ўз мухбиримиз)**



*Истиқлол иншоотлари*




## ИТТИФОҚЧИЛАР ЎРТАСИДА КЕЛИШМОВЧИЛИК

Кейинги кунларда Америка матбуотида Буюк Британия юритаётган сиёсатга қарши жиддий танқидий муносабатлар билдирила бошланди. Англиянинг террорчилар томонидан портлатилиши режалаштирилган ўнлаб самолётларининг хуружидан сақлаб қолиниши АҚШ томонини шубҳага солиб қўйди. АҚШ матбуотининг фикрига қараганда, озод ва демократик Британия кейинги пайтларда террорчиларнинг қароргоҳига айланиб бормоқда. АҚШнинг "The New Republic" газетаси расмий Лондоннинг тўғридан-тўғри "экстремистлар тайёрловчи инкубатор" сифатида танқид қилган.

Америкалик журналистларнинг фикрича, туманли Альбионни терроризм билан боғлаб турувчи бир қанча омиллар бор.

Расмий Лондон томонидан берилган бундай "эркин"ликлар натижасида мамлакатда кўп сонли экстремистик гуруҳлар фаол ҳаракат қилмоқда. Улар сирасига Лондоннинг катта-катта шаҳарларида очиқ-ойдин ҳаракат қилаётган "Ҳизб-ут-Таҳрир" экстремистик гуруҳи ҳам киради.

Ўз иттифоқчиларининг доимий ваъдаларидан ҳафсаласи пир бўлган АҚШ расмийлари Тони Блэр ҳукуматидан ушбу масала юзасидан аниқ қарорга келишини кутмоқда.

"Heritaqe" агентлиги эксперти Нил Гардинер "Daily Teleqraph" газетасига берган интервьюсида "агар вазият шундай давом этадиган бўлса, расмий Вашингтон Британия фуқароларининг АҚШга келишини чеклашга мажбур бўлиши" ҳақида фикр юритган.

## ЯНА "АЛ-ҚОИДА" ҲАҚИДА

Сўнгги маълумотларга қараганда, Ироқда "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳи раҳбарининг ўринбосари ҳибсга олинган. Бу ҳақда Боғдод шаҳрида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи Мувафақ Рубайи баёнот берган. Мувафақ Рубайининг айтишига кўра, ҳибсга олинган шахснинг исм-шарифи Ҳамед Жума Фарис Суаидий. У шу йилнинг июнь ойида америкалик ҳарбийлар томонидан жисман маҳв этилган "Ал-Қоида"нинг Ироқдаги раҳбари Абу Мусаба ас-Заркавийдан кейин унинг ўрнини эгаллаган Абу Масрининг ўринбосари сифатида фаолият юритган.

Ҳибсга олинган Ҳамед Жума Фарис Суаидий Баакуби шаҳри шимолида жойлашган иншоотлардан бирида яшириниб юрган. Аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, у Самарре шаҳридаги "Олтин масжид"нинг портлатилишида иштирок этган.

## АФҒОНИСТОНДА АВИАҲАЛОКАТ

"РИА-Новости" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, шу йилнинг 2 сентябрь куни Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳридан 20 километр узоқликда содир бўлган авиаҳалокат натижасида 14 нафар Буюк Британия ҳарбийлари ҳалок бўлган.

"Sky News" телеканали берган маълумотларга қараганда, ушбу авиаҳалокат самолётнинг техник носозлиги оқибатида содир бўлган.

Бироқ толиблар ўз вакили Абдулла Калика орқали ушбу авиаҳалокатни зиммаларига олишмоқда. Аммо ҳозирча ушбу маълумотнинг рост ёки ёлғонлигини аниқлашнинг иложи йўқ. "Sky News" телеканали вакиллари эса "Толибон"нинг бу даъвосини рад этмоқда.

Аниқ маълумотларга кўра, авиаҳалокат натижасида Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучларининг 12 нафар вакили, 1 нафар денгиз пиёдаси ва 1 нафар қироллик ҳарбий кучларининг хизматчиси қурбон бўлган. "Би-Би-Си" хабарига қараганда, авиаҳалокатга учраган юк вертолёти Қандоҳор ҳудудида НАТО томонидан олиб борилаётган ҳаракатларда иштирок этган. Буюк Британия мудофаа вазирлиги ҳозирча содир бўлган фожиа тафсилотлари ҳақида батафсил маълумот бермаган.

## НАВБАТДАГИ ТЎФОН

АҚШнинг шарқий ҳудудларида тобора авж олаётган "Эрнесто" тўфони натижасида 6 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда яшовчи бир миллионга яқин аҳоли электр энергиясисиз қолгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Айни кунларда минглаб фуқаролар хавфсиз жойларга кўчирилмоқда.



Душанба куни эрталаб маҳаллий ҳокимият вакиллари Шимолий Королина, Виржиния ва Колумбия округларида истиқомат қилувчи аҳолини кутилаётган хавфдан огоҳлантирди. Бу ҳудудларда бир кеча-кундуз давомида тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида дарёлар ўз ўзанидан чиқиб, кўплаб автомобиль йўллари яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Кучли шамол ва тўхтовсиз ёмғир ёғиши натижасида Нью-Йорк шаҳрида ўтказилаётган "Катта шлём" теннис мусобақасининг 30 учрашуви бекор қилинган.

**Интернет материаллари асосида**
**Ислом ҲАМРО тайёрлади**

Qilmish-qidirmish

# «10 ФОИЗ» ОПЕРАЦИЯСИ

**Фельетон ўрнида**



Халқимиз одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деган гапни бежиз айтмаган. Ушбу нақлни бироз ўзгартириб, агар одамнинг кимлгини билмоқчи бўлсанг, унинг қўлига пул бериб кўр, дейиш ҳам мумкин. Нега дейсизми? Унда эшитинг.

Андижон туманидаги Паттаев номидаги ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари Ҳабибулло Эркабоев ва Абдумуталлиб Исмоиловга ширкат хўжалиги пайчаларига дивидент ҳисобидан берилиши лозим бўлган 23 миллион 40 минг сўм пул маблағини банкдан олиб келиб тарқатиш вазифаси топширилди.

Икковлон пулни банкдан олишди-ю, лекин йўлда келаётиб, Ҳабибуллонинг хаёли бузилди.

— Банкдан нақд пул олишнинг ҳам ўзи бўлмас экан, — деди у Абдулмуталлибга. — Шунинг учун пулни тарқатаётганда ҳар бир кишидан 10 фоиздан ушлаб қоламиз.

Абдулмуталлиб унга жавобан лом-мим демади. Сукут аломати ризо. Шундай қилиб, улар дивидент тарқатилган 85 нафар пайчининг 75 нафаридан 1 миллион 413 минг 203 сўм пулни қонунга зид равишда ушлаб қолдилар.

— Сиз мана бу 400 минг сўмни олиб қўйинг, харажат ва меҳнатингизга – деди Ҳабибулло Абдулмуталлибга.

Аслида ҳеч қандай харажат қилмаган, фақат пулни банкдан олиб келиб тарқатишга ёрдам берган Абдулмуталлибга ҳам бу таклиф мойдек ёқиб тушди ва у пулни олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Пулнинг қолган қисмини Ҳабибулло жиғилдонига урди.

Бироқ орадан ҳеч қанча вақт ўтмай «сир» ошкор бўлди. Талон-тарож қилинган пуллар ўз эгаларига қайтарилди. Бировнинг ҳақига кўз олайтирмоқчи бўлган кимсалар эса қонуний жазосини олдилар.

Шунингдек, туман ҳокимлиги ҳам Паттаев номидаги ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш комиссиясида мол-мулкларни сотишдан тушган маблағлардан 5 миллион 750 минг сўм пулни бошқа мақсадларда ишлатиш бўйича фармойиш чиқарган экан. Аммо туман прокуратураси томонидан киритилган тақдимномага биноан қонунга зид равишда қабул қилинган ушбу фармойиш бекор қилинди. Натижада ушбу маблағ ҳам тугатиш комиссияси ҳисоб рақамига қайтариб туширилди.

**Неъматжон ХОЛМАТОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Qutlov*

# УМР МАЗМУНИ



Ҳар бир инсон маълум бир ёшга кирганда ўтган умрига назар ташлайди, қилган эзгу ва савобли амаллари билан фахрланади. Зеро, умрнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда кўринади.

Тажрибали ҳуқуқшунос Гулнора Иномжонова ҳам эллик ёшга тўлгунга қадар сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. У ёшлигиданоқ ҳуқуқшунослик илмига қизиқар, ҳали мактаб ўқувчиси пайтидаёқ ўз олдига «албатта, ҳуқуқшунос бўламан», деган аниқ мақсадни қўйган эди. Мактабни битиргач, ана шу мақсад йўлида Тошкент Давлат юридик институтига ҳужжат топширди. 1978 йилда ушбу институтни тугатгандан буён, Андижон шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудираси, Адлия вазирлигида катта маслаҳатчи, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ФҲДЁ ва Нотариат бўлими бошлиғи каби қатор масъулиятли лавозимларда фаолият юритиб келмоқда.

Шу ўринда Г.Иномжонованинг малакали ҳуқуқшунос сифатида бугун адлия идоралари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифаларни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга қўшаётган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Гулнора Иномжонова ўз умрини ҳуқуқшунослик соҳасига бағишлаган фидойи аёлларимиздан биридир. У ўтган йиллар давомида доимий равишда оила, ота-она ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиб келди. Шунинг учун ҳам айнан оила ҳуқуқи мавзуида илмий изланишлар олиб бориб, юридик фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

Биз Гулнора Иномжоновани қўшалоқ байрам — истиқлолнинг ўн беш йиллиги ва қутлуғ эллик ёши билан қутлаб қоламиз.

**Маҳмуд САТТОРОВ**

**Ҳар бир нашрнинг ўз йўналиши, мавзулари ва шунга яраша мухлислари бўлади. Жумладан, ҳуқуқий йўналишдаги нашрларнинг ҳам ўз ўқувчилари бор. Қонун барчага баробар экан, ушбу йўналишдаги нашр ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Негаки, ҳар бир кунимиз, саъй-ҳаракатларимиз, ўқиш ва меҳнатимиз, ташаббус кўрсатишдан тортиб, орзу-умидларимиз рўёбга чиқишигача — барчасининг заминида қонун, ҳуқуқий кафолат бамисоли мустаҳкам пойдевор бўлиб туради. «Ҳуқуқ ва бурч» журналининг бу йилги 3-сонини мутолаа қилсангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.**

*Mutolaa*

# ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ҳожиакбар Раҳмонқуловнинг **«Юридик фанлар: кеча ва бугун»** сарлавҳали мақоласида ҳам таъкидланганидек, **қабул қилинган қонунларни юридик фанларнинг эришган ютуқлари, десак муболаға бўлмайди.**

Ушбу мавзунинг мантиқий давоми сифатида «Ислоҳотлар самараси» рукни остидаги юридик фанлар номзоди Фарруха Муҳиддинованинг **«Суд ҳокимияти мустақиллиги»** сарлавҳали мақоласи аввалидаёқ бу жараённинг **«қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик тамойилларига»** асосланиши алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Қонунчилик амалиёти билан боғлиқ мавзулар журналда алоҳида ўрин эгаллайди. Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси Маҳмуд Шоумаровнинг **«Қонунийлик ва адолат — фаолиятимиз асоси»**, профессор Шоакбар Шораҳмедовнинг **«Суд буйруғи институти»**, юридик фанлари доктори Фахри Раҳимовнинг **«Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир»**, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи И.Шаймановнинг **«Инсон ҳаёти — олий қадрият»**, тадқиқотчи Абдукамол Раҳмоновнинг **«Жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи»**, Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Ғафур Алиевнинг **«Деҳқон хўжаликлари: муаммо ва ечим»**, Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи Ислом Жасимовнинг **«Қамоқ — энг сўнгги чора»**, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат университети ўқитувчиси А.Абиловнинг **«Соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқий кафолат»**, Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Отабек Уруновнинг **«Мустаҳкам кафолат»**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Комиловнинг **«Ипотека қонунчилиги»**, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳакимбой Ҳалимовнинг **«Бурч ва масъулият ҳисси»**, Юнусобод тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Ўктамхон Қодированинг **«Тиббий кўрик: у соғлом ҳаётга йўлланма беради»**, Фурқат Исаровнинг **«Вояга етмаганлар жинояти»**, юридик фанлари номзоди Абдумухтор Ҳасановнинг **«Ҳуқуқ манбаи категорияси»**, Азизбек Йўлчиевнинг **«Экологик аудит: тажриба ва муаммолар»**, Тошкент юридик коллежи декани Рўзали Отабоевнинг **«Фуқаролик мақоми»**, журналист Рустам Жабборовнинг **«Демократик жамиятнинг муҳим шарти»**, Темур Тиллаевнинг **«Сифатли тергов: шахс манфаатларига хизмат қилади»**, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Иноят Шукуровнинг **«Қонун устуворлиги — бош мақсадимиз»,** Фаррух Бўтаевнинг **«Одам савдоси»**, Шерзод Абдуқодировнинг **«Ҳуқуқий ҳимоя: тадбиркорлик имкониятини кенгайтиради»** каби мақолалари ҳамда Навоий вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Облоқул Азимовнинг **«Ёлланма қотил ёхуд буюртмачи ва далолатчи ҳақида ҳукм»** сарлавҳали суд очерки ҳар бир муштарийга маънавий руҳ бахш этиш билан бирга ҳуқуқий савиясини ҳам юксалтиришга хизмат қилади.





Мазкур мақолаларни нашрга тайёрлашда таҳририят ижодий жамоаси муаллифлар географиясини ва мавзулар ранг-баранглигини таъминлашга эътибор қаратишгани айни муддаодир. Бинобарин, қонунчилик амалиёти, бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами бутун мамлакатимиз миқёсида ёритиб берилган.

Биз дунё билан бўйлашаяпмиз! Сиёсатшунос, Россия Жамоатчилиги палатасининг Халқаро ҳамкорлик ва жамоатчилик дипломатияси бўйича комиссиясининг раиси Андраник Мигранянннинг «Эътироф» рукни остида ёритилган **«Матонатли қарор»** сарлавҳали мақоласида айтилишича, **юртимизда ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш тўғрисидаги қарор — матонатли қарордир.**

Ушбу рукн остида ёритилган Германиянинг «ALIVE» ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти бошқаруви раиси Петра Херманнинг **«Немис ҳуқуқ ҳимоячилари Ўзбекистон қарорини қутлайди»** сарлавҳали мақоласида эса: **«Ўзбекистоннинг тез орада ўлим жазоси тарих саҳифаларидагина қоладиган мамлакатлар сафига киришидан яна бир бор хурсандмиз»,** деган сатрлар ҳам муштарийларни бефарқ қолдирмайди.

Маънавият, адабиёт, она табиат мавзуларининг ҳар бир нашрда алоҳида ўрни бор. Севимли шоиримиз Азим Суюннинг **«Ўзбек давлати»** достонини мутолаа қилган муштарийлар бугунги адабиётимиз бўстонида давримиз солномаси бадиий бўёқларда ёрқин ифодасини топганини ҳис этадилар. Ушбу достонга пайваста бўлган яна бир ажойиб мақола «Она тилига эҳтиром» сарлавҳаси остида ёритилган.

Тадқиқотчи Аброр Қиличевнинг «Тарих сабоқлари» рукни остида ёритилган «Соҳибқирон салтанатида бошқарув институти» сарлавҳали мақоласида буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг давлат бошқаруви соҳасида амалга оширган ибратли ишлари тарихий ҳужжатлар, ишончли манбалар асосида таҳлил этилган.

Табиатни асраш мавзусиға бағишланган биология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Эргашевнинг **«Барқарор ривожланиш истиқболлари»,** Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси Феруза Тойлоқованинг **«Табиат муҳофазага муҳтож»** сарлавҳали мақолалари ҳам муштарийларни жиддий мушоҳадага чорлайди.

Шунингдек, «Мулоқот», «Тилак», «Мўъжаз тадқиқот» рукнлари остида берилган ранг-баранг мавзулардаги интервью ва хабарлар ҳам ўқувчида ажиб таассурот қолдиради.

Журналнинг бадиий безатилиши ҳам ўқувчи эътиборини ўзига жалб этади. Муқовада берилган пойтахтимиздаги «Болалар ижодиёти уйи» ҳамда сўнгги саҳифадаги Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуаси муштарийларни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, ички саҳифалардаги мамлакатимиз ҳаётини акс эттирувчи суратлар, сўлим табиатимиз манзаралари, тарихий обидаларнинг дид билан ишланган расмлари кишида завқ уйғотади.

**Азиза УСМОНОВА**

*Bu ajib dunyo*

**Агар йўлингиз тушиб, Вьетнамнинг Ханой ёки Сайгон шаҳрига бориб қолсангиз, кўчаларда кети узилмай келаётган мотоцикллар карвонини кўриб ҳайратга тушасиз. Уларнинг шовқинидан қулоғингиз том битади. Йўлни кесиб ўтишга ҳам қўрқасиз. Тўғрида, кўчада шамолдек бостириб келаётган мотоцикллар орасида қолиб кетиш кимга ҳам ёқарди, дейсиз.**

# МОТОЦИКЛЛАР МАМЛАКАТИ

Вьетнам кўчалари кеч соат йигирма учга қадар мотоцикллар билан лиқ тўла бўлади. Кимдир ўқишга, кимдир ишга бориш учун, яна биров бошқа юмушини бажариш учун мотоциклнинг беминнат хизматидан фойдаланади. Бир сўз билан айтганда, ушбу транспорт воситаси маҳаллий аҳоли учун ҳар томонлама қулай улов ҳисобланади. Бунинг сабаби оддий, Вьетнам аҳолиси ҳар бир ишни камчиқим ва тежамкорлик билан амалга оширишни ёқтиради. Машина қиммат. Бунинг устига ёқилғи сарфи ҳам мотоциклга нисбатан бир неча баравар кўп. Мотоцикл эса арзон, қулай ва энг асосийси, тежамкор. Яна бир муҳим жиҳати, уни хоҳлаган жойингизга қўйиб кетишингиз мумкин.

Бу мамлакатнинг кишини ҳайратга соладиган яна бир жиҳати шундаки, кўчаларда йўл ҳаракати қоидасига умуман риоя этилмайди. Катта кўчаларда ҳам светофор ондасонда учрайди. Шамолдек учиб юрадиган мотоциклчилар ана шу онда-сонда учрайдиган светофорлар талабига умуман бўйсунишмайди ҳисоб.

"Вьетнамга бориб қолсангиз, асло пиёда юрманг", дейишади бу мамлакатда меҳмон бўлганлар. Чунки пиёдалар учун ўтиш йўллари белгиси ўрнига зебра ёки бошқа бирор-бир йиртқич ҳайвон расмини кўрасиз. Йўл белгиларида тасвирланган қай бир жонивор нимани англатишини билиб олгунингизга қадар эса сафар муддатингиз тугаб бўлади.

Авваллари мотоцикл сотиб олишга ҳамма вьетнамликларнинг ҳам қурби етавермасди. Чунки бундан атиги беш-ўн йил муқаддам вьетнамликларнинг ўртача ойлик маоши 15 АҚШ долларига тенг эди. Шунинг учун ҳам яқин ўтмишда вьетнамликлар учун велосипед асосий транспорт вазифасини бажарган. Мотоцикларда эса фақат ўзига тўқ кишилар юрган. Буни қарангки, орадан беш-ўн йил ўтар-ўтмас, бу мамлакат молиявий жиҳатдан ўзини ўнглаб олди. Энди хоҳлаган вьетнамлик нафақат мотоцикл, балки машина сотиб олиш имкониятига эга. Мутахассислар бунинг асосий сабаби мамлакатга хорижий инвестиция киритилишида, деб изоҳлашади.

Одатда, узоқ кўришмаган дўстлар ёки қариндош-уруғлар учрашиб қолишса, бир-бирининг соғлигини суриштиради. Вьетнамда эса аксинча. Кўпдан буён кўришмаган қадрдон дўстлар учрашиб қолишса, биринчи навбатда, у ҳозир қандай мотоциклда юрганини сўрайди. Чунки Вьетнам йигитлари учун мотоцикл нафақат беминнат улов, балки ор-номус белгиси ҳам ҳисобанади. Масалан, бирор-бир фуқаро бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган мотоцикл сотиб олса, унга ҳамма ачинади. Чунки бу билан у ўзининг ғурурини ерга урган ҳисобланади. Бунинг акси ўлароқ, арзон бўлса-да, Вьетнамда ишлаб чиқарилган мотоцикл харид қилган фуқаро ҳурмат-эътиборга лойиқ ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, Вьетнамда мотоцикл мамлакат рамзига айланган.

Агар йўлингиз тушиб, Вьетнамга саёҳатга борсангиз, албатта, мотоциклда юришга ҳаракат қилинг. Мабодо машинада юрсангиз, бу халқнинг миллий удумларига ҳурматсизлик қилган бўласиз.

Яна бир гап. Кўпгина ривожланган мамлакатлар аҳолиси ҳашаматли ресторан ёки кафеларда тамадди қилишни хуш кўрса, бу ерда аксинча, мотоциклдан тушмасдан тамадди қилиш урфга айланган. Энг ҳайратланарлиси, бу мамлакатда ошхона вазифасини ҳам мотоцикллар ўтайверади. Чунки ошпазлар барча ашқол-дашқоллари, жумладан, қозон-товоғини ҳам мотоцикл ўриндиғига мослаштириб, кўча-куйда турли таомларни тайёрлайверади. Хўрандалар эса овқатни сотиб олиб, хоҳлашса бир-икки дақиқа тўхтаб, хоҳлашмаса, йўл-йўлакай танаввул қилиб кетаверадилар.

Шунингдек, тўй-ҳашамлар ёки миллий байрамларда ҳам бекорга вақт сарфлаб қандолат дўконларига бориб юришнинг ҳожати йўқ. Қўнғироқ қилсангиз кифоя. Қандолатпазлар бир зумда мотоцикларида келиб, унинг орқа ўриндиғидаги юкхонасида меҳмонларнинг кўз ўнгида турли мазали ширинликлар, қандолат маҳсулотларини тайёрлаб, дастурхонга тортадилар. Савдо дўконларида ҳам навбат кутишнинг ҳожати йўқ. Негаки, асосий дўконлар ҳам мотоцикл юкхонасига жойлаштирилган. Йўл-йўлакай ўзингизга керакли буюмни бемалол харид қилаверасиз.

Аксарият кишилар Вьетнамда сартарошхоналар бўлмаса керак, деб ўйлаши мумкин. Чунки сартарошхоналарнинг аниқ бир жойи, манзили йўқ-да. Ким сочини олдирмоқчи бўлса, бу юмушни кўчада бажараверади. Бунинг қулайлиги шундаки, ҳеч ким соч олдириш учун навбат кутиб ўтирмайди. Сартарошхона ҳам мотоциклга жойлаштирилган бўлиб, кўчадаги дуч келган дарахтга мих қоқиб, ойна илинса бас. Мижоз ҳам мотоциклдан тушмай сочини олдиради. Қайчи, тароқ, соч олиш ускунаси ва соч ювиш воситалари ҳам мотоциклнинг юкхонасига жойлаштирилган.

Ҳайратланарлиси шундаки, бу мамлакатда севишганлар учрашадиган "хиёбон" вазифасини ҳам мотоцикл бажаради. Шаҳар хиёбонларидаги ўриндиқлар доим бўм-бўш. Сабаби — сайрга чиққан ёшлар боғни мопедда айланадилар. Вьетнамда турмушга чиқмаган қизлар мотоцикл минган йигитларга ишонмай қўйганлар. Сабаби ҳали уйланмасдан туриб, мотоцикл харид қилган йигитлар бу ерда "учар" йигитлар сирасига киради.

Оила масаласи вьетнамликлар учун ўта муҳим ҳисобланади. Улар оила қуришга жиддий эътибор беришади. Шу сабабли бу мамлакатда ажрашишлар, деярли учрамайди, ҳисоб. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, оила мустаҳкамлигининг сабаби мопед билан боғлиқ экан. Эътироф этилишича, бир мотоциклга эр-хотин ва юкхонасига фарзандлари бемалол жойлашади.

Вьетнамда ҳар бир йигит-қиз мустақил равишда рўзғор тебратишга тайёр бўлгандан кейингина оила қуради. Улар учун никоҳ тўйи асосий тантана ҳисобланади ва унга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Тўйга ўн нафардан минг нафаргача меҳмон ташриф буюриши мумкин. Бу вақт мобайнида келин бўлмиш тўрт маротаба келинлик либосини алмаштириши шарт. Келин-куёвлар учун ҳозирлаб қўйилган мотоцикл ҳам алоҳида безатилади. Тўй тантаналари уч-тўрт кун давом этиб, турмуш қурганларнинг яқинлари, ёру дўстлари билан бирга мамлакатнинг манзарали жойлари бўйлаб мотоциклда саёҳат қилиш удумга айланган. Тўйнинг учинчи куни келин-куёв миллий тўй либосларини кийиб, никоҳ ўқитгани ибодатхонага борадилар, сўнг худди от каби ясатилган мотоциклда ўйин-кулгу билан ЗАГС идорасига бориб, рўйхатдан ўтадилар.

Янги оила қурган ёшлар ота-оналаридан мустақил равишда рўзғорни ўзлари тебратади. Аммо уй-жой масаласи улар учун катта муаммо. Вьетнамда каталакдек жойнинг нархи ўртача 800-1000 АҚШ доллари қийматига тенг. Мотоцикл эса уларга бошпана вазифасини ҳам ўтайди. Мамалакатда субтропик иқлим ҳукмрон бўлгани боис совуқдан хавфсирашга ҳожат йўқ. Мотоцикллар ётиш ва буюмларни жойлаштиришга мослаб ишлаб чиқарилган. Унда ҳатто телевизор ҳам кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, ёш оила ўзига турар жой сотиб олгунга қадар, бемалол мотоциклда яшаши мумкин. Уларнинг фарзандлари ҳам мотоциклни ўз уйлари деб биладилар. Эҳтимол, Вьетнам қонунларига биноан фарзандлар сони ҳар бир оилада икки нафардан ошмаслиги қатъий белгилаб қўйилганлигининг яна бир сабаби шу билан изоҳланар.

Вьетнам мотосозлари янги русумдаги мотоцикларни кашф этишда дунёда ном қозонган. Албатта, ушбу мотоциклларнинг шакли барчани қизиқтириши табиий. Тўртбурчак, чўзиқ шаклдаги мотоцикллар оила учун, рўзғор учун жуда қўл келади. Мотоциклга ўрнатилган соябонлар ёмғир ва қуёшдан сақлайди.

Шунингдек, улар диний маросимларни ўтказишда мопедлардан, ибодатхонага бориш, буддаларни олиб бориш, керакли манзилга роҳибларни етказиш, ҳатто тобутни қабристонга олиб боришда ҳам мотоциклардан фойдаланишади.

**Хорижий матбуот материаллари асосида Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади**


**Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежи қуйидаги фанлар бўйича педагоглик лавозимига танлов эълон қилади**

*Иқтисодиёт асослари — 1 нафар*
*Амалиёт ўқитувчилари — 4 нафар*
*Фуқаролик ҳуқуқи (рус тилида) — 1 нафар*
*Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи — 2 нафар*
*Физика — 1 нафар*
*Информатика — 1 нафар*
*Инглиз тили — 1 нафар*

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

*1. Директор номига ариза*
*2. Сўровнома*
*3. Таржимаи ҳол*
*4. Олий маълумоти ҳақида диплом нусхаси*
*5. Илмий даража ва илмий унвон нусхалари (мавжуд бўлса)*
*6. Паспорт нусхаси*
*7. 4х6 ўлчамдаги 6 дона фотосурат*

Танловда олий маълумотли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида Тошкент юридик коллежи кадрлар бўлимида қабул қилинади.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 12-мавзе, 67ª-уй,**
**Телефон: 75-77-01, 75-77-12. Факс: 173-84-35.**



**Бухоро вилояти адлия бошқармаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан Қоракўл туманида вакант бўлган битта давлат нотариуси штати лавозимига танлов эълон қилади:**

*Танловда Олий юридик маълумотли, шунингдек, нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бир ойлик муддат ичида адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.*

**Ҳужжатлар 2006 йилнинг 12 сентябрь кунига қадар қабул қилинади.**

*Манзил: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 28-уй.*
*Телефонлар: 223-21-20, 223-53-65.*




*Тоғларда куз...*


**ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси қуйидаги давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин:**

*1. Ангрен шаҳар 2-сонли давлат нотариал идорасида — 1 та ўрин.*

*Талабгорлар танлов рўзномада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддатда Тошкент вилоят адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:*

*а) Малака комиссияси номига ариза;*
*б) Паспорт нусхаси;*
*в) Белгиланган шаклдаги тўлдирилган шахсий варақа;*
*г) Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*д) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*е) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида ишламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;*
*ж) Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

*Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 93-уй.*
*Телефон: 362-84-30, 363-51-04.*


*Jinoyat va jazo*

# НАФС ГИРДОБИ

Суд очерки



**Улкан сув ўзанларидаги гирдоб комига тушиб қолган ҳар қандай нарсани бир зумда чирпирак қилиб, ўз қаърига тортади. Шу боис гирдобга яқинлашиш хатарли. Бироқ одамнинг нафс ўпқони гирдобдан-да даҳшатлироқдир. Бу балои азимга йўлиққан кимсанинг тақдири ҳам остин-устун бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.**

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси терговчиси Мурод Ашуров ўз ихтиёри билан нафс ўпқони комига тушди.

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Сурхондарё ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари «Дарбанд» йўл-патруль хизмати таянч масканида «19 АД 796» давлат рақамли «Камаз» русумли автомашинани назоратдан ўтказишганда унинг юкхонасидаги кўмир тагида ноқонуний равишда 1,5 литр ҳажмдаги 3120 дона елим идишда этил спирти олиб келинаётганини аниқлашди. Ушбу ҳолат бўйича қонуний чора кўриш учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, мазкур автомашина ва 73868.484 сўмлик этил спирти маҳсулоти Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари Ю.Қурбонов, Н.Сайфуддинов ҳамда тоғли ҳудудларда жиноят қидирув бошқармаси ходими К.Бойимов томонидан вилоят ИИБ автоуловлар саройида терговчи М.Ашуров жавобгарлигига топширилади.

Терговчи хизмат вазифаси юзасидан Жиноят-процессуал кодекс талабларига асосан бундай ҳолатда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириши шарт эди. М.Ашуров эса бу қоидага риоя қилмайди. Чунки у кейинчалик жавобгарлигига қабул қилиб олган маҳсулотни ўз манфаати йўлида ўзлаштиришни кўзлайди.

Шу маънода далилий ашё ҳисобланган 603 дона идишлардаги 1.520.735 сўмлик этил спиртини гумдон қилади. Аниқроқ айтганда, уларни сотиб юборади.

М.Ашуров ўзининг бу қилмиши билан аллақачон жиноят гирдобига тушиб улгурган эди. У ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини яшириш мақсадида орадан ўн етти кун ўтгач, ушланган автоуловни кўздан кечириш ҳақида баённома тузиб, унда «Камаз» юкхонасидан 2513 дона елим идишдаги спирт маҳсулотлари олинганини қайд этади. Сўнгра уларни ашёвий далил деб эътироф этиш, жиноят ишига қўшиш ва топшириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Терговчи шу жараёнда яна бир қинғир ишга қўл уради. Яъни, «Дарбанд» йўл-патруль хизмати масканида юқорида зикр этилган автоуловни ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари томонидан кўздан кечириш тадбирида холис сифатида қатнашган К.Шералиев ва Б.Каримовни «Гувоҳ тариқасида сўроқ қилдим», деб баённома тузган. Аслида эса уларни сўроқ қилмаган. Уларнинг имзосини қалбакилаштириб, расмий ҳужжатга такроран сохта маълумот ва ёзувлар киритган.

Мурод Ашуровнинг нафс ўпқони шу билан ёпилмайди.

Ноқонуний спирт маҳсулотининг эгаларидан бири бўлган Муҳаббат Алиева терговчига ёрдам беришни илтимос қилади.

Хуфиёна келишувга мувофиқ М.Ашуров спирт маҳсулотлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома бўлмаса-да, 3.530.730 сўмлик 1400 елим идишдаги 2100 литр спиртни Шўрчи туманидаги «Ойнакўл» кичик корхонаси раҳбари Фозил Бобомуродовга бериб юборади. Ўз навбатида Фозил Бобомуродов олинган маҳсулотни олдиндан келишилганидек, Муҳаббат Алиевага қайтариб сотади.

М.Ашуров шу тариқа кўп миқдордаги этил спиртининг қонунга хилоф равишда муомалага киритилиши ва далилий ашёнинг йўқ бўлиб кетишига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Очиғини айтганда, М.Ашуров калаванинг учини бутунлай йўқотиб қўйган эди. Тубсиз гирдоб уни тобора ўз қаърига тортиб борарди. Бироқ вилоят прокуратураси ходимлари бу қинғир ишга нуқта қўйишди. Қуюшқондан чиққан терговчининг ўзини ҳам жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиб, қилмишларини фош этишди. Охир-оқибатда у ҳам суд томонидан бошқа айбланувчилар билан бир қаторда қонуний жазога лойиқ деб топилди.

Нафс гирдоби ҳар доим кишини хароб қилган. Қонунбузарликни ҳам гирдобга қиёс қилиш мумкин. Унинг комига тушган киши ҳамиша талафот кўрган. Баён этилган воқеа ҳам бунинг исботидир.

**Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ, журналист**


**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Пўлат САМАТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Хуршид СОДИҚОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Маҳмуд САТТОРОВ
Ислом ҲАМРО
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

**Индекс: 646882**

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2015. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6